

## ТУРКИЙ ХАЛҚЛАР АДАБИЁТИДАГИ ЎЗАРО МУШТАРАКЛИКЛАР

Гулноз Сатторова

Ўз Р ФА ўзбек тили, адабиёти  
ва фольклори институти  
катта илмий ходими  
[noza1969@mail.ru](mailto:noza1969@mail.ru)

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада туркий халқлар адабиётидаги ўзаро алоқадорлик хусусиятлар муҳокама қилинган. Мақолада ўзбек ва турк ҳикоянавислиги тадқиқот объекти сифатидан танланган. Муаллиф эътиборини қарататётган ўзбек ва турк ҳикоячилиги ҳам икки халқ адабиётишунослигига чуқур тадқиқ қилинаётган масалалардан ҳисобланади.

**Калим сўзлар:** Туркий халқлар, адабиёт, ўзбек адабтёти, турк адабиёти, Азиз Несин, Абдулла Каҳхор, Умар Сайфиддин.

### АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматриваются особенности взаимосвязей в литературе тюркских народов. В статье в качестве объектов исследования выбраны узбекские и турецкие рассказы. Узбекское и турецкое сказительство, на которое обращает внимание автор, является одной из глубоко исследуемых проблем в литературоведении двух народов.

**Ключевые слова:** тюркские народы, литература, узбекская литература, турецкая литература, Азиз Несин, Абдулла Каҳхор, Умар Сайфиддин.

### ABSTRACT

*This article examines the features of relationships in the literature of the Turkic peoples. In the article, Uzbek and Turkish stories are selected as objects of research. Uzbek and Turkish storytelling, to which the author draws attention, is one of the deeply researched problems in the literary studies of the two peoples.*

**Key words:** Turkic peoples, literature, Uzbek literature, Turkish literature, Aziz Nesin, Abdullah Kahhor, Umar Sayfiddin.

### КИРИШ

Адабиётнинг ўзига хос хусусияти шундаки, ҳаётимизнинг бизга маълум кирраларини акс эттиради. У турли халқлар адабиётида турли хил ифода этилади, аммо барибир ўз муштараклигини йўқотмайди. Халқлар турли хил бўлсада, инсоннинг ўй кечинмалари, муаммолари қўпинча бир хилдир. Чунки

инсоният яшаётган бу дунёда яъни китобхон жаҳон адабиётидан бирон-бир асар мутолаа қиласар экан, унинг ичидан ўз кечинмалари билан уйғун қирраларни топа олади.

Илдизлари муштарак турк ва ўзбек элининг адабий алоқалари қадимий тарихга эга. Маълумки, Ўрхун-Енисей ёдгорликлари, Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Ҳос Ҳожиб, Аҳмад адибнинг китобларига умумтуркий мерос сифатида қаралади. Шундай экан, бу икки ҳалқ адабиётини бугунга қадар бир – бирига қиёслаб ўрганилиши бежиз эмас. Биз эътиборимизни қарататётган ўзбек ва турк ҳикоячилиги ҳам икки ҳалқ адабиётшунослигида чуқур тадқиқ қилинаётган масалалардан ҳисобланади.

Дунёнинг йирик олимлари томонидан турк ва ўзбек адабиётининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: турк-ўзбек адабиётининг ўзаро муштараклиги; шаклланиши; уларнинг даврий босқичларини асослаш; ёзувчилар ижодида бадиий маҳорат ва услуб масаласини очиб бериш; адабиётлараро адабий оқимларнинг аҳамиятини изоҳлаш; турк ёзувчиларининг асарларини аслиятдан ўзбек тилига, ўзбек адиблари асарларини турк тилига таржима қилишни амалга ошириш ишлари икки ҳалқ адабиётшунослари орасида аллақачондан буён амалга оширилаётган ишлар сирасидандир.

Икки ҳалқ ижодкорлари асарларининг бир-бирига бу қадар сингиб кетишига нафақат уларнинг қадимий илдизлари бирлиги, балки асарлардаги мавзулар муштараклиги ҳамdir.

Умуман, XX аср бошларидан бугунги кунгача бўлган даврда турк ва ўзбек ҳикоянавислиги қатор янги поэтик тамойиллар кашф этилди, бу тамойиллар ҳар икки ҳалқ ҳикоянавислигида ҳам бўй кўрсатди. Бу эса туркий ҳалқлар адабиётнинг жаҳон насри билан бўйлашаётганлигидан далолат беради.

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Турк фольклори, анъанавий Шарқ мумтоз поэтикаси, XX аср турк ҳикоянавислиги тараққиёти тамойиллари, жаҳон насри анъаналари янги турк ҳикоячилиги поэтик тамойилларининг юзага келиши учун асос бўлиб хизмат қилган бўлса, ўзбек ҳикоячилигининг тараққиёти учун ҳам фольклор анъаналари, Қуръон ва ҳадислардаги ҳикоятлар, мумтоз ўзбек адабиёти намуналари замонавий ўзбек ҳикоячилигининг ривожланиши учун муҳим омил бўлиб хизмат қилди. Бу жараёнда индивидуал ижодкорлар истеъододи, бадиий маҳорати юзага чиқди. Реалистик ҳикоянинг юзага келиши ҳалқ ижодиётининг теран илдизларига бориб тақалса, ҳалқ оғзаки ижодидаги мавжуд миф, афсона, эртак, ҳалқ ҳикоялари ва ҳикоятлари замонавий ҳикоянинг пайдо бўлиши учун

асос вазифасини бажарган. Бу каби ҳолатларни ҳар икки халқ адабиёти вакиллари ижодида ҳам кузатиш мумкин. Рашод Нури Гунтекин, Пеями Сафо, Усмон Жамол, Фахри Жалолиддин каби турк ижодкорлари ижодида бу каби ҳолатларни кўплаб учратишимиз мумкин.

Замонавий турк насрининг йирик вакили Азиз Несин ижоди халқ қулгиси ва ижтимоий трагизмни ўзаро уйғунликда акс эттириши билан қимматлидир. Унинг ҳикояларида халқ ижодига хос латифа, асқия, ҳажвий ҳикоя, масал, мatal, мақол муҳим ўрин тутади. Азиз Несин ўтган асрнинг 60 йилларидан бошлиб ўзбекларнинг севимли ёзувчиларидан бирига айланган. Унинг «Мушт кетди», «Хуштак афандим», «Футбол қироли», асарлари қўплаб ўзбек ижодкорларига самарали таъсир қилгани, жуда кўп ҳажвчи ёзувчиларимиз унга эргашиб асарлар ёзгани ҳам сир эмас. Адиб ҳикояларидағи қисқалик ва лўндаликни ўзбек ҳикоянависи Абдулла Қаҳҳор ижодида кузатиш мумкин. Азиз Несин ўз асарлари ҳакида: “Мен ўзим кўрган ва бошқалардан эшитган воқеаларни безаб-бежамаган, ёнига кўшиб-чатмаган ҳолда, қандай бўлса шундайлигича ўқувчиларимга тақдим этмоқдаман. Булардан ҳар ким ўзига яраша хulosha чиқариб олсин, деган мақсадим ҳам йўқ эмас. Қолаверса, ўзим ҳам бир пайтлар шундай қилганман. Бу билан: «Ҳамма менга ўхшасин, қиссадан нима ҳисса чиқарган бўлсан, айнан тақрорласин,» демоқчи эмасман. Битта воқеадан ҳар ким ҳар хил хulosha чиқаради. Олинган панд-ўгит эса баъзан бутунлай қарама-қарши бўлиши ҳам мумкин”, деб ёзади. Худди шу маънода адиб асарларидан ҳар ким ўзи излаган хulosani топа олган. Абдулла Қаҳҳорнинг “Ўғри”, “Бемор”, “Анор”, “Даҳшат”, “Майиз емаган хоти” каби асарлари ҳам қисқа ва лўндаликда, асардаги кўз илғамас нозик қочирим ва кинояларда Азиз Несин ҳикоялари характерига ўхшаб кетади. Ҳар икки ёзувчи ҳам ўз асарларида жамият иллатларини фош қилади, кулгили вазият, хусусият ва ҳолатлар орқали кишиларни беихтиёр ўз нуқсонларидан қулишга мажбур этади.

Адабиётнинг асл дурдоналари муайян тилда яратилса-да, давр ўтиб, улар бошқа тилларга ҳам "ўтиб", турли миллатларни эзгуликка, ўзаро меҳр-оқибатга чорлайверади. Чунки адабиётнинг асл асарларига замонлар, маконлар истеҳком бўлолмайди. Улар учун диний эътиқодлар ҳам, мамлакатлар ўртасидаги чегаралар ҳам ҳеч замон "Хитой девори" бўлолмайди. Негаки, улар сўзнинг илохий мўжизакор қудратини ўзида мужассамлаштириб олгандир. Ана шундай асл асарлар муаллифларидан бири Турк адиби Умар Сайфиддиндир.

Адиб XX аср турк адабиётида ҳикоя жанри ривожида ўзига хос услугга эга ёзувчилардан.

Биринчи жаҳон уруши давридаги сиёсий аҳвол барча туркий халқлар сингари Туркия адабий муҳитига ҳам таъсир этмасдан қолмади. Адабий оқимларнинг кўпайиши, адабиётга турлича ёндашувлар бу даврнинг ўзига хос хусусиятлари дандир. XX асрнинг биринчи чорагида яшаб ижод этган адаб турк наси, айниқса, ҳикоячилигини юқори даражага кўтариб, ўз халқи адабиётини жаҳоний миқёсга олиб чиқди. Ёзувчининг ҳикоячиликдаги маҳоратини Дж.Лондон, Г.Мопассан, А.Чехов, ўзбек адаби Чўлпон, А.Қаҳхор ҳикоялари билан қиёслаш мумкин.

Умар Сайфиддин ўз ижодини шеърлар ёзишдан бошлаган. Шеърлари “Декин” мажмуаси, “Замон” ва “Вақт” газеталарида кетма-кет чоп этилади. У “Турк сўзи” журналида бош муҳаррирлик қилган пайтларида туркий фикрларни ифодаётувчи мақолаларини ёзиш билан бирга бадиий ижод билан ҳам шуғулланади. Умар Сайфиддиннинг ҳаёти оғир қийноқлар ва изтиробларда кечган бўлса ҳам муҳлислари учун 10 та китобга жамланган 125 таҳикоясини ўз муҳлисларига қолдирди. Ёзувчи жуда қисқа умр кўрган бўлсада, турк адабиётида ўзига хос овозга эга бўлиб, нодир ҳикоялар яратган ижодкор сифатида ёдга олинади. У ўз мамлакатини севган, миллат ва унинг келажаги учун қайғурган ватанпарвар бўлганлиги унинг асарларида акс этган. Адаб асарларини ўқир экансиз XX аср бошларида мамлакатни тарқоқликка, миллатни маҳдудликка етаклаётган ёт кучлар қораланади, миллий ўзликни англаш, халқни ватан озодлиги ва ободлиги йўлида бирлаштириш каби ғоялар адаб асарларининг бош мақсадини белгилайди. Унинг асарларида илгари сурилган ғоя ва мақсадлар инсоният учун, миллат ривожи учун хизмат қилганлиги боис адаб асарлари турли тилларда ўқилмоқда. Адаб ҳикоялари бир неча бор ўзбек тилига таржима қилинган. Тажрибали таржимашунослар билан бирга бугунги ёшлар ҳам адаб асарларини ўзбек китобхонларига ҳавола этишда самарали меҳнат қилмоқдалар Умар Сайфиддин асарларини ўзбек тилига ўғириш ва ҳаёти ва ижоди билан таништиришда турк адабиётшуноси Вали Саваш ҳам ўз ўрнига эгадир. Унинг ўзбек адабиётшуноси Пашшажон Кенжаева билан ҳамкорликда яратилган турк ёзувчиларининг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги “Кутимаган меҳмон”<sup>1</sup> асари фикримизнинг далилидир.

Адаб ўтган асрнинг биринчи ўн йиллигигача аскарлик хизматида бўлганлиги унинг асарларида ҳам сезилиларли даражада ифода этилади. Адаб асар ҳикояларида асириклиқдаги ҳаётни акс эттирувчи воқеаларни баён қилди. “Пасткаш”, “Маҳдий”, “Хуррият Байроқлар” ҳикоялари шундай мавзудаги асарлардир. Унинг “Тарих азалий такрордир” (1910), “Ҳарам” (1918), “Ефруз

<sup>1</sup> Yelok, Veli Savaş, Pashshajon Kenjayeva. Kutilmagan Mehmon Toshkent: Akademnashr, 2011.

Бей” (1919), “Қаҳрамонлар”, “Бомба”, “Ҳарам”, “Узун пошналар”, “Ҳалоллик”, “Ёлғиз баҳодир”, “Исканжа”, “Ишқ тўлқини”, “Оқ Лола”, “Сирли амалиёт”, “Форса”, “Қизил дурли кўйлак”, “Бадал” каби бир қанча ҳикоялари туркия ўқувчиларини юксак маънавий-ахлоқий ғоялар руҳида тарбиялашда, ижтимоий фикрни шакллантиришда катта рол ўйнаган бўлса, бугун бу асарлар ўзбек китобхонларининг ҳам қалбидан жой олган.

Умар Сайфиддин ёзувчи сифатида таҳлилдан кўпроқ воқеалар тасвирини биринчи планга қўяди. Адиг қаҳрамонларини турли вазиятларда тасвирларкан, уларнинг руҳий ҳолатини, ички дунёсини очишга ургу беради. “Мармар дастгоҳ” ҳикоясида ёзувчи инсон руҳиятин теран ифодалай олишини Жаби афанди, Уста Али образлари мисолида намоён этади. Ана шундай руҳий ҳолатлар ифодаланган ҳикояларидан яна бири “Уч насиҳат” ҳикоясидир. Ҳикоянинг бош қаҳрамони оддий йигит Дурмуш. Унинг онасидан бошқа яқини йўқ. Ижтимоий муҳит, ишсизлик Дурушнинг бошига кўпгина синовларни солади. У иш ахтариб Истамбулга келади ва бу ерда Мустақим Афандининг қўлида бир қуруш ва бир насиҳат учун ишлайди. Омонатга хиёнат қилмаганлиги, ҳалол меҳнати туфайли баҳтли ҳаёт кечиради. Асар ҳалқ оғзаки ижоди мотивлари асосида яратилган, дидактик характерга эгадир. Дурмуш характерини чизиш орқали адиг инсонни ҳалол яшашга, нафсини тия билишга, сабр қилишга ундаиди.

Унинг ижоди ўзбек адабиётшунослари томонидан кенг ўрганилиб келинмоқда. Улардан бири адабиётшунос Адҳамбек Алимбеков адиг ижодини мавзу мундарижасига кўра қуидагича таснифлайди:

1. Ватанпарварлик мавзуидаги асарлар;
2. Фолклор мотивларидан фойдаланиб ёзилган асарлар;
3. Сатирик руҳдаги ҳикоялар;
4. Аёллар бош қаҳрамон бўлган асарлар.

Биз шу таснифга асосланиб адиг ижодини таҳлил қилишга ҳаракат қилдик.

Ватанпарварлик мавзуси барча ҳалқлар адабиётида етакчи мавзу саналади. Айниқса, ватан озодлиги, уни ташки кучларнинг таъсиридан асрар миллат ва миллий тилнинг ривожи, ҳалқчиллик адиг ҳикояларининг асосий мағзини ташкил этади. Рус адабиётшуноси Л.Г.Юдкевичнинг «Адабиётда миллий характер муаммоси» деб номланган тадқиқотида: «Адабиётда ҳалқчиллик масаласи сўзсиз миллий характер муаммосининг қай даражада акс эттирилиши билан боғлиқ», - деб ёзади.

Олим миллий характернинг иккиласми хусусияти деб ҳар бир адабий қаҳрамонда миллий хусусиятлар етакчилик қилиши, умуминсоний хусусиятлар

бевосита миллийликдан келиб чиқиши кўрсатилади. Учинчи хусусият, бадий қаҳрамоннинг ўз ватанини севувчи, миллат баҳт-саодати йўлида курашувчи сифатида тасвирланишидир. Тўртинчидан, миллий характернинг тўлақонли чиқиши учун ёзувчи ижтимоий позицияси унинг эстетик идеали билан чамбарчас боғлиқ бўлиши лозим. Бешинчидан, муаллиф дунёқараши ўз миллатининг илгор идеалларини ифода этиши, бундай идеаллар билан бир жон, бир тан бўлиши керак. Олтинчидан, миллий характерни тасвирлаш учун муаллиф тарихийлик тамойилига асосланиши лозим.

Л.Г.Юдкевич миллий характернинг юқоридаги олти хусусиятига қўшимча яна қуйидагича таъкидлайди: «Миллий характер ўзига хослигининг муҳим (бирламчи) белгиси - бу қаҳрамон ички дунёсидир. Шу билан бирга бадий тил, қаҳрамон нутқи, бадий тасвир усувларидағи миллийлик миллий характер бутунлигини таъмин этади».<sup>2</sup>

Л.Г.Юдкевичнинг фикрини қувватлаб шуни таъкидлаш мумкинки, характернинг миллий бўлиши учун унда миллатга хос барча хусусиятлар мужассам бўлиши керак

Умар Сайфиддин асарлари хусусида гап кетганда Л.Г.Юдкевич томонидан назарий асослаб берилган барча хусусиятлар мужассам эканига амин бўламиз.

“Пушти дур тўн” (баъзи таржималарда “Қизил дурли кўйлак”), “Бошини бермаган шаҳид”, “Гурзи”, “Ажабо, у не эди?” каби ҳикояларида Ватан ишқи, ватанпарварлик, уни асрар, ҳимоя қилиш каби туйғулар биринчи планда туради. “Пушти дурли тўн” ҳикоясида адаб ўз ғоялари ва қарашларини Муҳсин Чалабий образи орқали акс эттиради. Бу образ орқали адаб туркий халқларга хос ҳақиқий характерни яратади. Маълумки, адабий характер том маънода ҳаётни бадий акс эттириш усулига қараб белгиланади. Ҳаётни бадий акс эттириш ўз навбатида ҳаётий характердан бадий характер яратишdir. Натижада, инсон шахсияти орқали бадий характернинг тарихий, умумбашарий, халқона ва миллий қирралари юзага келади. Ёзувчи бадий образни турли даврлар, турли руҳий, тарихий вазиятлар гирдобига ташлайди ва бу орқали образ характерига хос жиҳатларни ёритиб беради.

Хазинадан бир пул олмасдан, бор мол-мулкини сотиб, ўрнига қимматбаҳо тошлар қадалган чопон тикирган ва уни Эрон шохи саройида қолдириб келган мулқдор Муҳсин Чалабий тантилиги ҳар қанча таҳсинга лойиқдир. У Ватанга фойдаси тегиши учун бутун бойлигидан ажраса-да, хизматини ҳеч қачон миннат қилмайди. Ёзувчи Муҳсин Чалабийни шундай таърифлайди: “У

<sup>2</sup> Юдкевич Л.Г. Проблема национального характера в литературе /Теория литературы в связи с проблемами эстетики. Москва: Высшая школа, 1970. С. 146-148.

художўй, ғоятда ақлли инсон эди. Инсонга таъсир этгувдек салобати ва сири бор эди. Қарағай ўрмонининг орқасидаги катта хўжаликни бошқарар, пешона тери билан меҳнат қилас, ҳеч кимга ғайирлиги йўқ эди. Йўқсилик ва ғарибларнинг кўнглини олар, дастурхонидан меҳмон аrimасди. Динни маҳкам ушларди. Аммо мутаассиб эмасди. Дин, улус, ватан ишқини, мамлакатининг буюклиги, муқаддаслигини юракдан ҳис қиласди. “Тангридан бошқасига сажда этмай, қулга қул бўлмаслик унинг ҳаётдаги мақсади эди”<sup>i</sup> –дея таърифлайди. Адибнинг ҳикоядан мақсади ҳам ана шу таъриф орқали очиб берилади. Муҳсин Чалабий амалдорлар олдида икки букилиб, уларга мулозамат кўрсатган, ўз ғурурини билмайдиган, заифлардек ерга судралиб юрадиган исқирт инсонлардан нафратланарди. Ҳатто бундайларни кўрмаслик учун одамлардан узоқда юрас эди. Адиг биргина мана шу таърифлар орқали инсон руҳиятидаги эврилишлар, қадр-қимматнинг барча нарсалардан устунлигини бадиий бўёқлар орқали ифодаласа, қаҳрамоннинг “давлатдан нуқул олиш керак эрмас... бироз бериш ҳам керак...”, эрон шоҳига қаратса “Саройингизда улуғ бир подшонинг элчисини ўтқазиш учун гиламингиз, кўрпачангиз йўқ экан. Бунинг устига бир турк ерга ёзган нарсасини қайтиб киймайди” каби сўзлари ҳақиқий ватанпарварликни, инсон ғурури, ор-номусини англатади. Ёзувчининг турк миллатининг тақдири, унинг келажаги борасидаги хавотирлари “Дўсту нодўстларимиз” ҳикоясида ёрқин акс этган. Ҳикоя қаҳрамони “Тарихи, таълими, адабиётида ўзини бу қадар инкор этган бир миллат ўз миллийлигига асосланган “иттиҳод” бирлик ғоясини ўртага қўйиши мумкинми? Европаликлар бизни яхши ўрганмаганликлари учун бундай ғоя борлигини тахмин қилиш мумкин!... Орамиздагилар бўлса бу қадар гўл бўлмасликлари керак. Мамлакатимизда “турк, турклик, Туркия туркиёт” калималари бўлмаганлиги сингари “турк тили” деган бир тил ҳам йўқдир”, дейди. Миллатни миллат сифатида шакллантирадиган, бирлаштирадиган, ривожлантирадиган, биринчи омил тилдир. Тилни йўқотиш миллатни ўлдириш томон етаклайди. Шу боисдан ҳам муаллифнинг ўз она тилининг аҳамияти, унинг соғлигини асраш тўғрисидаги ўй фикрлари, ташвишлари бу асарда ўзига хос оҳангда жаранглайди. Адиг қаҳрамонининг бу қарашлари орқали миллий тил ва миллий адабиёт миллий давлатни вужудга келтиради, деган ғоялар илгари сурилганлигининг гувоҳи бўламиз.

Адибнинг ватанпарварлик ғоялари улуғланган ҳикояларидан яна бири “Тутқун” ҳикоясидир. Йигирма йил тутқунликда яшаган, аммо бир дақиқа ҳам ватан тупроғи, унинг озодлиги ҳақидаги орзуларидан воз кечмаган, унга ишониб яшаган Қора Мамиш образи асарда инсоннинг метин иродаси,

эътиқоди қанчалар кучли бўлса, унинг атрофидагиларга, оиласига, ватанига бўлган садоқати ҳам шу даражада самиимий бўлишини тасвирлайди. Қора Мамишнинг ўз миллатига, халқига, динига бўлган эътиқодини ёзувчи шундай тасвирлайди: “Фақат таҳорат қилолмагани учун қайғуради. Доимо кунчиқар томоннинг чап тарафида туриб, кўзларини қиблага қаратар, беш вақт номозини яширин ишоралар билан адо этарди ”. Асар қаҳрамони 20 йил тутқунликда, 10 йил хўжайнинг хизматида бўлган энди у кучдан қолган, ҳеч қандай фойдалари ишга ярамайди. Аммо унинг хотираси ҳали бақувват. Ёзувчи қаҳрамонининг ватанини қайта қўриш ҳақидаги орзу истакларини баён этишда туш мотивидан фойдаланади. Бу мотив орқали инсонни яшашга, ҳаётийликка ундовчи восита унинг рухияти эканлигига ишора қиласди. Ёзувчининг маҳорати шундаки, қаҳрамон бирор ўринда ватанини севади, дея ошкор ифодаламайди, аммо унинг асар сўнгида “-Шаҳид бўлсан мени шу байроққа ўранг! Ол байроқ ҳилпираган ер ватан эмасми, ахир?!”, деган фикрлари билан далиллайди. Чунки кекса кемачининг сўнгги дақиқаларгача яшаш истагини сўндиримаган туйғу бу- Ватан туйғуси эди.

Умар Сайфиддиннинг ҳикоялари орасида аёллар образи биринчи планда кўрсатилган асарлари талайгина. “Баланд пошналар”, “Қуриган оғочлар” ҳикояларида аёллар қалbidаги нозик, илғаб бўлмас туйғулар, уларнинг изтироблари гўзал чизгиларда ифодаланади. Адигнинг аёллар бош қаҳрамон бўлган ҳикоялари орасида “Камалак” ҳикояси характерлидир. Ҳикоя бош қаҳрамони Ойша эндигина ўн ёшга кирган. Шундай бўлсада адаб асарда уни “Паҳлавон Ойша”, дея таърифлайди. Паҳлавонлик одатга ўғил болаларга нисбат берилади. Бу ўринда ёзувчи Ойшани “паҳлавон” деб таърифлашининг ўзиёқ унинг курашувшанлигига ишорадир. Ойша паҳлавон бўлиши билан бирга ниҳоятда гўзал қиз. Ана шу гўзаллик ва паҳлавонлик ташбеҳларининг бир-бирини қабул қила олмаслиги, яъни қиз боланинг от миниши, ўқ отиши, кураш тушиши мумкин эмас, деган эски қарапшлар Ойшанинг қалбida исён туғдиради. Оддийгина ўн ёшли қиз бола қалbidагi исён орқали адаб XX аср бошларидаги турк аёллари қалбida кўтарилиган курашchanликни ифодалайди. Тузумдаги эскилик сарқитлари, аёлларга бир буюм сифатида қарап, уларнинг қўнгли билан ҳисоблашмасликни ҳаётининг бош мезонига айлантириб олган, динни ниқоб қилиб, ундан ўз мақсадлари йўлида фойдаланаётган кимсалар образини Бўри домла қиёфасида гавдалантиради. Ойшанинг хаёллари орқали унинг домла каби кимсаларга қарши исёнини ифодаласа, Бўри домланинг ўн ёшли қизга нисбатан нуқул “ҳижобга солинг, ҳижобга. Энди унинг очиқ юриши мақбул эмас”, дея қайта-қайта жавраши у яшаб турган тузумнинг узоқ давом

етиши учун исён қилган кимсаларнинг ҳали улғаймасдан илдизини кесиши, улар орқасидан эргашиб кетувчиларнинг кўпайиб кетмаслиги учун бир тушов эканлигининг ифодасидир.

Ёзувчи Ойша ва Бўри домла образларини бир-бирларига қарши қўяркан XX аср бошларида бутун туркий халқлар ҳаётида рўй берган ватан озодлиги билан бирга аёллар озодлиги учун ҳам бўлган курашлар ҳақида ҳикоя қиласиди. Ойша образи аёлларнинг озодликка, паранжини ташлашга қарши кураши, эркак ва аёлнинг жамиятда тенг ҳукуқли эканлигининг намунаси сифатида кўрсатилар экан, бу образ ўзбек адабиётда аёллар озодлиги учун курашган Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романидаги Зеби, Абдулла Қаҳҳорнинг “Даҳшат” ҳикоясидаги Унсин образларини эслатади. Аммо Умар Сайфиддин асаридаги қаҳрамон Ойша озодликни қанчалик истамасин, “Кечава кундуз”даги Зеби, “Даҳшат”даги Унсин каби Ойша ҳам ҳақиқий озодликка курашлар орқали етиш мумкинлигини англаб етмайди. У хаёлан Бўри домла каби кимсаларга қарши курашишни ўйласа-да, унинг қалбидаги исён курашга айланмайди. Бу билан ёзувчи ўша даврдаги муҳит бунга имкон бермаганлиги тасвирини чизиб беради.

Ёзувчи ҳикоялари орасида “Ажинали кўшк”, “Оқ юз”, “Васиятнома”, “Жасорат” каби асарлари ҳажв ва сатирага бойлиги билан ажралиб туради. “Ажинали кўшк”, “Васиятнома”, ҳикояларида адиб жамиятдаги зиқна, бироннинг ҳақи эвазига кун кўраётган имонсиз одамлар образини яратади. Рўза ва намозни ниқоб қилиб олган сохта диндорларни Ҳожи ниёзий образида ифодаласа, бироннинг ҳақига хиёнат қилувчиларни Муфти ҳожи афанди образига сингдиради. “Жасорат” ҳикоясининг сарлавҳасини ўқиган китобхон асар кимнингдир жасорати ҳақида бўлса керак деб ўйлади. Ҳикоя мазмунига кириб борганингиз сари адиб ўзининг ўткир сатирик тифи билан аслида қўрқоқ, қўлидан ҳеч қандай иш келмайдиган кимсаларнинг ташқи қиёфаси билан бошқаларни қўрқитиб юрган кишини оддийгина жонзот канага қарши қўйишининг ўзиёқ асарнинг ўткир ҳажвга бойлигидан далолатдир. “Васиятнома” ҳикоясида эса адиб ҳаётнинг мазмунини кайфу сафодан, қимору ичкилиkbозлиқдан, айшу ишратдан иборат деб билан кимсалар устидан кулади. Бу қулгуларни қаҳрамоннинг жиянига ёзган сохта васиятномасида кўрсатиб берган уч қисмдан иборат дастурга сингдиради. Адиб қаламга олган бу хил сатира ва ҳажв нафақат турк халқи ҳаётида, балки бутун инсоният ҳаётида учраши мумкин бўлган воқеа ҳодисалар эканлиги билан ўқимишлидир.

Адиб ҳикояларининг характерли хусусиятларидан яна бири шундаки, қайси ҳикояни ўқиманг, унда миллат дарди, ўз халқининг ор номусини улуғлаш билан бирга инсонни инсон, халқни халқ даражасига қўтарувчи ягона тимсол

ТИЛГА алоҳида урғу берилади. Айниқса, “Чаноққалъадан сўнг” ҳикояси қаҳрамони тилидан айтилган: “ўз исмини билмайдиган, ўз тилида ёзмайдиган, душманларини дўст деб билган бир миллат яшashi мумкинкини? Бунинг имкони борми? отини билмайдиган, ўз тилида ёзмаган, душманини дўст деб билган бу бечора миллат эртага руслар, французлар, инглизлар қўлида Ҳиндистон халқи каби асир бўлади, уларга молдай хизмат қиласди, маданиятдан, яъни инсонийликдан, ахлоқийликдан маҳрум бўлади”, дея тили ва маънавиятини унугланган, улар учун курашмаган кимсаларга қаратা “Еҳ, асир подалари...” деб хитоб қиласди. Адибнинг қаҳрамон тилидан айтилган “- Уйғонинг! Ўзлигинизни билиб олинг, ҳайвон сингари ғоясиз, ташкилотсиз, маданиятсиз яшаманг, миллат бўлинг...” каби хитоби биринчи жаҳон урушининг изтиробли дамларида эрк учун қурашаётган ватандошларига қаратা айтилган бўлса-да, нафақат кечаги кун учун бугунги кунимиз учун ҳам аҳамиятлидир. Ҳар бир халқ, ҳар бир миллатнинг ўз тили ва маънавияти, ватанини зўравонлик, ташқи таъсирлардан ҳимоя қилиш учун чорлаган хитобдир.

Адиб ижодида ўзига хос фалсафийлик устун бўлган ҳикоялар ҳам талайгина. “Ғамгин ҳикоя” ни биз ана шундай асарлар сарасига киритишими мумкин. Асарни бу тарзда номланишининг ўзиёқ унинг фалсафийлигига ишора қиласди. Ҳикояда аниқ бир қаҳрамоннинг номи тилга олинмайди. Қизиқарлиси шундаки, адаб оппоқ қор тимсолида покликни, беғуборликни эмас фожеавийликни ифодалайди. “Кор ҳар томондан оппоқ кигиз каби қопланганди. Тупроқ кўринмасди. Тупроқни кўриш учун қорни супириш керак. Ҳолбуки, фақат кўчалар супирилади. Кўчаларга тош ётқизилади. Устида ейиладиган ҳеч нарса бўлмайди. Емишини ердан оладиган бечора ҳайвонларнинг аҳволини энди ўзингиз бир тасаввур қилиб кўринг! Бутун дунёning юзини шакарсиз музқаймоқ қоплаган. Бир ҳовуч есалар шу заҳоти музлайдилар... Хуллас, ер юзаси ана шундай фожеали аҳволда экан, бир боғнинг ўртасида жажжигина чумчук титраб туради: фақат қўрқувдан эмас!”<sup>3</sup> (“Бадал” 216 б.) Келтирганимиз иқтибосда “емишни ердан оладиган бечора ҳайвонлар”, “шакарсиз музқаймоқлар”, “фақат қўрқувдан эмас” жумлалари ҳикояда ёзувчи фалсафий дунёқарашининг қай даражада акс этганлигини намоён этади. Кор рамзий детал воситасида беғуборлик, яхшиликни эмас фожеавийликни акс эттирган ҳикояларни ўзбек адиби Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Ибн Муғанний” ҳикоясида ҳам учратиш мумкин. “Унинг ҳовлисига қор кўп ва хўп ёғади. Яъни

<sup>3</sup> Сайфиддин Умар. “Бадал” ҳикоялар. — Т.: «Янги аср авлоди », 2012 - 248 ...

қаҳрамон турмуш ташвишлари билан доимо банд. Шу даражада ёғадики, оқибат Ибн Муғанний бутун оила аъзолари билан қор остига кўмилиб қолади. Қорга, яъни турмуш ташвишларига тутқунлик узоқ давом этади. Уларнинг уйлари дунёдан тамом узилиб қолади: “Отажон нега уйимизга ҳеч ким келмайди”, савол сўрайди ўғил. Ибн Муғанний бор гапни ўғлидан яширмайди: “Ҳамманинг ҳовлисини қор босган ўғлим – бошқалар ҳам ўзимиз каби ўз уйида банди”.<sup>4</sup> Бу билан ёзувчи жамиятнинг маънавий ҳолатига ишора қиласиди. Ҳар икки асарда ҳам оппоқ қор муаллифлар эстетик идеали фалсафий мушоҳадаларини қамраган рамзий образларнинг бадиий намуналариdir. Иккала ёзувчининг ўзига хосликлари шундаки, Хуршид Дўстмуҳаммад ҳикоянинг бадиий ечимини ўқувчининг зиммасига юклайди, Умар Сайфиддин эса “фақат қўрқувдан эмас” жумлаларининг маъносини қиссадан ҳисса тарзида асар якунида бераркан, инсон қанчалик буюк хилқат бўлиши билан бирга энг шафқатсиз мавжудод ҳам деб қарайди. Ва айни пайтда ҳар бир тирик мавжудод ўз яратувчисининг қисматидан қочиб қутулолмайди, деган хulosани беради.

Адибнинг “Фармон” ҳикояси ҳам ўзига хос фалсафага бой асарлардан биридир. Асар қаҳрамони Тўсинбей умр бўйи подшоҳига садоқат билан хизмат қилган. Подшо унга ўз ҳаётини ҳам ишонган. Алал оқибат бу ишончни подшо хиёнат билан алиштирган. Асадаги ўқувчи қалбини ларзага соладиган ҳолат садоқатли аскарнинг ўз ўлими ҳақидаги фармонни ўз қўли билан олиб боришидир. Адиб инсоннинг ички ҳис-туйгулари, ўз-ўзи билан курашишдаги тизгинсиз хаёллар ва кечинмаларни Тўсинбей образи орқали маҳорат билан тасвирлайди. “Подшоҳ ва давлат йўлида жонини ҳам аямасликка қасам ичмаганмиди. Шундай экан, бу жонини кимдан қаерга ва нега олиб қочиши керак” (“Бадал”, 229 бет) Биргина “қасам” Тўсинбейнинг ҳаётдаги иймон ва эътиқоди, садоқатининг нақадар мустаҳкамлигини ифодалайди. Ўз қатли учун тайёрланган фармонни бажармаслик учун имкониятлари бисёр бўлсада эътиқодидан воз кечмайди. Асарни ўқиган ҳар бир китобхон Тўсинбей тақдирига қанчалик ачинса-да, унинг жасоратидан ҳайратланади. Тарихийлик принциплари асосида яратилган мазкур асарда қаҳрамонлар ички дунёсининг таҳлилига катта эътибор қаратилган. Натижада қаҳрамон характерининг нафақат зоҳирий (ижтимоий), балки ботиний (руҳий) қирралари ёритилган. Иймон, эътиқод, жавонмардлик, адолатпешалик, ватанпарварлик каби хусусиятлар умуминсоний характернинг ажралмас бир қисми сифатида талқин этилган. Адиб Тўсинбей характерини чизар экан чуқур психологик таҳлиллар

<sup>4</sup> Дўстмуҳаммад Х. Ибн Муғанний / Жажман. Тошкент: Шарқ, 1995. 221-233-бетлар.

билин чекланиб қолмай, қаҳрамон психологик ҳолатини китобхон таъсирлана оладиган даражада жонли қилиб кўрсатади.

### ХУЛОСА

Истеъдодли адиб Умар Сайфиддин асарлари бугунги кунда ҳам китобхонлар томонидан севиб ўқилмоқда. Адибнинг қайси бир асарини ўқиманг ундан кўнглингизга яқин бир туйғуни топасиз. Жамиятда, кундлаик ҳаётимиизда бугун ҳам учраб турган бирор бир муаммонинг ўртага ташланганлигининг гувоҳи бўласиз. “Бадал”, “Валинеъмат”, “Уч насиҳат” каби ҳикоялари китобхонни ҳалол меҳнат қилишга, иродали бўлишга ундаса, Афрузбей образи орқали эса сохта ватанпарварларнинг тимсолини яратади.

Умар Сайфиддин ҳикояларида замон, макон, вазият, характер каби унсурлар бир-бирига ҳамоҳанг тарзда ифодаланганлиги унинг ўқимишлилигини оширади. У содда ва равон жумлалар орқали фикрларини баён этади. Турли изоҳлардан баёнлардан қочади. Унинг асарларида қисқалик ва таъсирчанлик символик ифода воситаси саналади. Адиб ҳикояларини мавзу доираси нуқтаи назаридан таснифлар эканмиз миллий тил ва ватанпарварлик мавзуидаги ҳикоялар адиб ижодининг асосини ташкил этади деган холосага келдик. Унинг асарларини ўқимишлилигини таъминлаган асосий воситалар тасвирнинг қисқа ва лўндалиги, ҳалқ оғзаки ижодидан унумли фойдаланишидир.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР (REFERENCES)

1. Yelok, Veli Savaş, Pashshajon Kenjayeva. Kutilmagan mehmon. Toshkent: Akademnashr, 2011.
2. Юдкевич Л.Г. Проблема национального характера в литературе /Теория литературы в связи с проблемами эстетики. Москва: Высшая школа, 1970. С. 146-148.
3. Сайфиддин Умар. “Бадал” ҳикоялар. — Т.: «Янги аср авлоди », 2012 - 248 ...
4. Дўстмуҳаммад Х. Ибн Муғанний / Жажман. Тошкент: Шарқ, 1995. 221-233-бетлар.